Юнусова Насиба Шарифовна,
Тошкент давлат транспорт университети, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Назарова Нилуфар Жўраевна,
Тошкент давлат транспорт университети, катта ўқитувчи

Жуманиязова Насиба Сапарбоевна,
Тошкент давлат транспорт университети, ўқитувчи

ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА)

УЎК: 37.013.42
DOI: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_6_2

ЮНУСОВА Н.Ш., НАЗАРОВА Н.Ж., ЖУМАНИЯЗОВА Н.С. ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА)

Мақолада сўнгги йилларда олий таълим тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар институционал жиҳатдан тадқиқ этилиб, уларнинг таълим сифатига таъсири кўрсатиб ўтилган. Жамият ҳаётида ўқитувчилар мақоми ва улар меҳнатини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўрганилиб, олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштиришга доир долзарб масалалар келтирилган. Шунингдек, касбий компетенцияларни ривожлантириш борасида мутахассис олим ва тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган қарашлар, фикр-мулоҳазалар, хорижий тажрибалар ва назарий ёндашувлар асосида баён этилиб, касбий компетенция масаласига доир сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган илмий тадқиқотлар мисолида ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим, олий таълим, компетенция, касбий компетенция, концепция, ижобий динамика, кадрлар салоҳияти, малакали мутахассис, институционал асос.

ЮНУСОВА Н.Ш., НАЗАРОВА Н.Ж., ЖУМАНИЯЗОВА Н.С. ПОВЫШЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПЕДАГОГОВ (НА ПРИМЕРЕ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ)

В статье с институциональной точки зрения рассматриваются масштабные реформы, осуществленные в системе высшего образования за последние годы, и показано их влияние на качество образования. Изучен статус учителей в обществе и меры, принимаемые для поощрения их работы, представлены актуальные вопросы повышения профессиональных компетенций учителей в системе высшего образования. При этом авторы описывают развитие профессиональных компетенций на основе взглядов, мнений, зарубежного опыта и теоретических подходов, выдвигаемых экспертами и исследователями, и иллюстрируют на примере недавних исследований в нашей стране по вопросу профессиональной компетенции.

Ключевые слова и понятия: образование, высшее образование, компетентность, профессиональная компетентность, концепция, положительная динамика, кадровый потенциал, квалифицированный специалист, институциональная основа.

YUNUSOVA N.SH., NAZAROVA N.J., JUMANIYAZOVA N.S. IMPROVING PROFESSIONAL COMPETENCE IN TEACHERS (ON THE EXAMPLE OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM)

The article examines the large-scale reforms implemented in the higher education system in recent years from an institutional point of view and shows their impact on the quality of education. The status of teachers in society and the measures taken to encourage their work are studied, and topical issues of improving the professional competencies of teachers in the higher education system are presented. At the same time, the authors describe the development of professional competencies based on the views, opinions, foreign experience and theoretical approaches put forward by experts and researchers, and illustrate the example of recent research in our country on the issue of professional competence.

Key words and concepts: education, higher education, competence, professional competence, concept, positive dynamics, personnel potential, qualified specialist, institutional basis.

Кириш. Жаҳон меҳнат бозори талабларига мос келадиган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш олий таълим тизимининг энг асосий функционал хусусиятларидан бири саналиб, буни самарали амалга оширилиши мазкур тизимда фаолият олиб бораётган педагогларнинг касбий компетенциясига бевосита узвий боғлиқдир. Чунки олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог-устозлар қанчалик маҳоратли, билимдон, малакали ва тажрибали бўлса, бир сўз билан айтганда "ўз касбининг устаси" бўлсагина, «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"да[1] белгиланган мақсадларга эришиш жараёни шунчалик самарали кечиши таъминланади. "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 46-моддасида "Педагог ходимларнинг мажбуриятлари" сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган бўлиб, булар:

- таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;
- ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши;
- ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиши"[2] кабилар билан белгиланганки, бу мажбуриятлар педагоглар касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг институционал асоси сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: **"Бугун ҳар бир ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак"**[3]. Шу сабабли ҳам "Олий таълимни ривожлантириш концепцияси"да белгиланган "олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш"дек[4] вазифани самарали амалга ошириш ҳам бевосита олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар касбий компетенциясининг такомиллашувига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. - https://lex.uz/docs/5841063

[2] Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир" мавзусидаги нутқи. 2020 йил 30 сентябрь. www.xs.uz

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. - https://lex.uz/docs/4545884

Мавзунинг долзарблиги. Олий таълим тизимига Янги Ўзбекистонда - Учинчи Ренессансни бунёд этишнинг драйвери сифатида қаралаётган экан, бунда олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагогларнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш амалий аҳамият касб этади. Бу эса тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг халқаро меҳнат бозоридаги рақобатга бардошлигини таъминлашдек улкан вазифа ва масъулият юклайди.

Мавзу бўйича бошқа илмий изланишларнинг қисқача таҳлили. Олий таълим тизимида педагоглар касбий компетенциясини такомиллаштириш мавзуси доирасида турли фан соҳа олим ва тадқиқотчилари ўз мулоҳаза ва қарашларини илгари сурган. Жумладан, хорижлик тадқиқотчи ва олимлардан E.Terhart[1], G.Niedermair[2], мамлакатимизда эса профессор Р.С.Самаров[3], тадқиқотчилардан Т.Т.Калекеева[4], Н.К.Сулейманова[5], Н.Мамадалиева[6] ва бошқалар томонидан педагогларнинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб борилган.

Илмий адабиётлар таҳлили немис олимларининг касбий педагогик компетенция турларига нисбатан ёндашувлари турлича эканлигини кўрсатди. Жумладан, Баден-Вюртемберг (Gewerkschaft Erziehung und Wissenschaft Baden-Württemberg) Германия Федерал ерларининг Тарбия ва фан масалалари бўйича жамияти аъзоларининг таъкидлашича, ўқитувчининг профессионализми (касбий маҳорати) касбий автономияси, юқори даражали университетдаги тайёргарлиги билан бирга, қуйидаги компетенциялардан таркиб топади: ихтисослик фани бўйича билимлари ва ушбу фан дидактикасини эгаллаши; ижтимоий компетенцияси; ташхислаш компетенцияси; педагогик маслаҳат бериш элементлари ва педагогик қўллаб-қувватлаш тамойилларидан хабардор бўлиши; ўқув жараёнида мультимедиавий воситалардан фойдаланиши; ташкилотчилик қобилияти; жамоада ишлай билиш кўникмаси; инновацияларга интилишлари билан изоҳлайди[7].

Тадқиқотчи Н.К.Сулейманованинг ёзишича, "Касбий компетентлик – бу узлуксиз ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш шароитида ўз касбий характеристикасини, касбий–педагогик фаолиятини ўзининг индивидуал ишлаш услуби асосида холис баҳолай олишга қодир ҳамда касбий педагогик фаолиятни эгаллашга ёрдам берувчи шахс интегратив сифатининг узоқ кечадиган жараёни бўлиб, касбий ўсиш ва ўзлигини кўрсата олишга интилиш демакдир"[8]. Тадқиқотчи E.Terhart эса касбий педагогик компетенцияни «зарур касбий билимлар, касбий малака ва касбий этика бирлиги» сифатида баҳоласа[9], G.Niedermairнинг фикрича эса, «компетентлик» функционал равишда конкрет педагогик вазиятлар, шу жумладан, педагогнинг зиёлилиги ва унинг касбий этикаси билан боғлиқлигини кўрсатади[10].

Профессор Р.Самаровнинг фикрича, касбий компетенция концепциясининг таркибий қисми сифатида: педагогнинг қобилият ва эҳтиёжларининг диагностик хулосасини, уларни шахсий ва касбий муаммоларни ажрата билиш қобилиятини, анъанавий тафаккур стереотипла-

[1] Terhart E. Erfassung und Beurteilung der beruflichen Kompetenz von Lehrkäften. In: Laeders, Manfred; Wissinger, Jochen, Hg. Kompetenzentwicklung und Programmevaluation. Forschung zur Lehrerbildung. – Muenster, New York, München, 2007. – 356 p.

[2] Niedermair G. (2011). Kompetenzen entwickeln, messen und bewerten / Gerhard Niedermair [Hrsg.]. – Linz: Trauner. – 602 p.

[3] Самаров Р.С. Баркамоллик тизимида касбий лаёқатлилик // Таълим муаммолари журнали. 2013, 6-сон. – Б. 10-14.

[4] Калекеева Т.Т. Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш. / Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2019. – 14 б.

[5] Сулейманова Н.К. Видеоконтент орқали бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш. / Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дис. автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 13.

[6] Мамадалиева Н. Таълим жараёни сифатини бошқаришнинг социал муаммолари. Ахборотлашган жамиятда замонавий социологиянинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2019. - Б. 35-38.

[7] Gewerkschaft Erziehung und Wissenschaft Baden-Württemberg. http://www/gew-bw.de/Lehrerbildung.html. Section9551

[8] Сулейманова Н.К. Видеоконтент орқали бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш. / Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дис. автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 13.

[9] Terhart E. Erfassung und Beurteilung der beruflichen Kompetenz von Lehrkäften. In: Laeders, Manfred; Wissinger, Jochen, Hg. Kompetenzentwicklung und Programmevaluation. Forschung zur Lehrerbildung. – Muenster, New York, München, 2007. – 356 p.

[10] Niedermair G. (2011). Kompetenzen entwickeln, messen und bewerten / Gerhard Niedermair [Hrsg.]. – Linz: Trauner. – 602 p.

рини ўзгартиришини, ўз-ўзини баҳолашни ижобийлашув даражасини, шахсий қадриятларнинг шаклланишини, фаолият меъёрларини ўзлаштиришини, ўзини намоён этиш учун ижтимоий-маданий муҳитни ўрганишни, инновацион хулқни тарбиялашни[1] назарда тутади.

Назарий манбаларнинг контент таҳлили шуни кўрсатадики, педагоглар касбий компетенциясини такомиллаштириш борасида кўплаб олим ва тадқиқотчилар у ёки бу жиҳатини тадқиқ этишган. Маълумки, баъзи компетенциялар, бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра уларни учта даражага бўлиш мумкин:

1) таянч компетенциялар;

2) умумпредмет компетенциялари;

3) предметга оид компетенциялар.

Педагогларнинг касбий компетенцияларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиб кўрсатиб ўтилган:

1. Педагогнинг таянч компетенциялари;

2. Педагогнинг хусусий компетенциялари.

Педагогнинг таянч компетенциялари ўрганиш, изланиш, мулоҳаза юритиш, ҳамкорликка интилиш, масъулият ва фидойилик сингари хусусиятларда ифодаланади.

Педагогнинг хусусий компетенциялари эса бир қадар мураккаб кўринишга эга тизим сифатида ифодаланади. Буларга педагогнинг ҳаётий тажрибалари ва кузатишлари асосида ҳар қандай ўқув фаолиятида дуч келинадиган Х вазиятларни шахсий хулосаларига асосланиб ижобий ҳал этишга қодир бўлган, таълим мазмунини танлаш ва методик таъминотини яратишга ҳамда талабаларнинг қизиқишларини орттиришга, илмий дунёқарашини кенгайтиришга, ахлоқий, ғоявий-сиёсий, таълим-тарбиявий муаммоларни ҳал этишга, кузатишлари асосида илмий хулосаларни чиқаришга ва илмий изланишлар асосида ўзининг ижодий фаолиятида намоён этишга, ахборот билан ишлаш, қайта ишлаш ва таҳлил эта олишга, талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирганлик даражаларига қараб холис ва адолатли баҳолашга, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш орқали жамият, давлат ва миллий манфаатлар йўлида хизмат қилишга тайёр ва бошқа шу каби кўплаб касбий сифатларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб кўринишга эга касб эгасини тушунилади.

Мақоланинг илмий моҳияти шундан иборатки, педагогнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш масаласи ҳар доим ва барча даврларда ўз долзарблигини йўқотмасдан келаётган мавзу саналади. Негаки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти ва унинг истиқболи бевосита бугунги кунда олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагог-устоз-мураббий номлари билан улуғланиб келаётган касб эгаларнинг компетенцияларига боғлиқлиги билан баён этилади.

Тадқиқот мақсади олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагоглар касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг институционал ва методологик асосларини шарҳлаш ҳамда соҳа ривожига доир таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти – Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатиб келаётган педагогларнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотда – ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, илмий кузатишлар (бевосита ва билвосита) асосида жамланган маълумотлар, қиёсий ва контекстли таҳлилий манбалардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг эмпирик манбаини методологик (қонун, фармон, қарор ва бошқа ҳужжатлар), назарий (қиёсий-таққослаш, таҳлил-синтез, абстрактлаш-умумлаштириш, индукция-дедукция), статистик маълумотлар ва педагогик эксперимент натижалари ташкил этади.

Асосий қисм. Дунёда сўнгги йилларда рўй бераётган турли даражадаги глобал ўзгаришлар таълим тизими, хусусан олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар сифатига нисбатан талаб даражаси ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Негаки, барқарорликни таъминлашнинг туб замирида сифатли ва рақобатбардош кадрлар масаласи етакчи ўрин эгаллайдики, шу сабабдан ҳам олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагогларнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш орқали жамиятни тараққий эттириш, фан-техника ва технология тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сама-

[1] Самаров Р.С. Баркамоллик тизимида касбий лаёқатлилик // Таълим муаммолари журнали. 2013, 6-сон. – Б. 10-14.

радорлигини таъминлаш шу билан бирга XXI асрда турган мураккаб муаммоларни муваффақиятли ҳал этишдек жиддий, масъулиятли вазифани амалга оширишдек улкан талабларни қўймоқда. Шу боисдан ҳам тадқиқотчи Н.Мамадалиеванинг ёзишича, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш қуйидаги мақсадларга эришишни назарда тутади:

– инновацион ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиш;

– юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида инновацион ғояларни ишлаб чиқиш;

– таълим сифати ва узлуксизлигини таъминлаш;

– педагогик кадрларни касбий даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориш;

– янги технологияларда фойдаланиш асосида ўқув жараёнини узлуксиз такомиллаштириб бориш;

– касбий масалаларни ечишга талабаларни ижодий ёндашадиган ва масъулиятли қилиб тарбиялаш[1].

Бизнингча, бу мақсадларга эришишда педагогик кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш масаласи ҳам амалий аҳамият касб этади.

Агарда, 2020 йилда "... мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртларининг сони 125 тага"[2], 2021 йилга келиб, юртимизда олий таълим муассасалари сони 156 тага[3], 2022 йил июнь ойи ҳолатига кўра эса бу кўрсаткич 165 тага етган, шу жумладан, Тошкент шаҳрида 74 та, ҳудудларда 91 та олий таълим муассасаси мавжудлиги қайд этилган[4]. Агарда, олий таълим муассасалари сонини йиллар кесимда қарайдиган бўлса, сўнгги уч йил ичида (2020-2022 йиллар кесимида қиёсласак) олий таълим муассасалар сони 40 тага (125 тадан 165 тага) ошганлиги кузатилиб, бу бир томондан узлуксиз жараён сифатида ўзгариб боришини эътиборга олган ҳолда уни динамик кўрсаткич сифатида эътироф этиш имконини берса, иккинчи томондан унга мос равишда сифатли педагог кадрлар билан таъминлаш масаласини ҳам долзарблаштирмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим тизими олдида турган қуйидаги тўртта устувор вазифага:

- биринчидан, олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтиришга;
- иккинчидан, ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратишга;
- учинчидан, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини оширишга, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтиришга;
- тўртинчидан, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Бироқ олий таълимда бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Хусусан, аксарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермаётганини афсуски, ҳақиқатдир. Масалан, бугунги кундаги "815 та йўналишнинг 55 фоизи меҳнат бозори талабларига жавоб бермайди. Айрим йўналишлар бўйича тайёрланаётган кадрлар амалиётда ўз ўрнини топа олмай, бутунлай бошқа соҳаларда ишламоқда"[5]. Бу муаммонинг бир томони олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагоглар касбий компетенциясининг етарли даражада эмаслигига бориб тақалади.

[1] Мамадалиева Н. Таълим жараёни сифатини бошқаришнинг социал муаммолари. Ахборотлашган жамиятда замонавий социологиянинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2019. - Б. 35-38.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир" мавзусидаги нутқи. 2020 йил 30 сентябрь. www.xs.uz

[3] Олий таълим: юксалиш йўлидаги муҳим қадамлар. https://yuz.uz/news/oliy-talim-yuksalish-yolidagi-muhim-qadamlar

[4] Олий таълим муассасалари сони 165 тага етди. https://yuz.uz/news/oliy-talim-muassasalari-soni-165-taga-etdi

[5] Ҳаитов А. Таълим сифати ривожланса, ҳар бир соҳада ўзгариш ва ривожланиш бўлади. https:// parliament. gov. uz/uz/events/opinion/34938/

Тошкент давлат транспорт университетида педагоглар касбий компетенциясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилиб (биринчи босқич - аниқловчи босқич (2018-2019 ўқув йили), иккинчи босқич - шакллантирувчи босқич (2020-2021 ўқув йили), учинчи босқич - такомиллаштирувчи босқич (2021-2022 ўқув йиллари) сифатида ўрганилди.

Тажриба-синов ишларида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ишлаб чиқилган мезоний дастур ва ташхис воситалари бўйича ёш педагоглар касбий компетентликнинг бошланғич даражасини ташхислаш;
- ёш педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш бўйича экспертлар фаолиятининг таҳлили;
- ДТС, асосий ўқув дастурлар, айрим фанлар бўйича ишчи дастурлар олий таълим сифатини таъминлаш нуқтаи назари асосида ўрганилди, тадқиқот мавзуси бўйича таҳлил этилди.

Педагогларнинг касбий компетентлигини такомиллашганлик даражасини белгиловчи қуйидаги индикаторлар ишлаб чиқилди. Булар:

– ижодий фикрлаш кўникмасининг ривожланганлиги (шахсий тажриба ва педагогик-психологик ҳамда касбий фанларни ўзлаштириш жараёнида шаклланадиган сифатлар);

– янги ғоявий-концептуал ёндашувнинг ривожланганлиги (шахсий тажриба, ихтисослик фанларни ўзлаштириш негизида шаклланувчи интегралашган сифатлар тизими);

– тизимли таҳлил ва креатив қарорлар қабул қилиш кўникмасининг ривожланганлиги (амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти асосида такомиллашадиган касбий кўникмалар);

– мослашувчанлик ва мобиллик (шахсий ва касбий сифатлар, касбий тайёргарлик негизида шаклланувчи соҳага йўналган касбий кўникмалар).

Тажриба-синов натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- мавжуд таълимий технологиялар касбий компетенцияни такомиллаштиришнинг юқори даражасида эмаслиги ва у замонавий талабларига жавоб бермаслиги бевосита ўқув-услубий жараёнга боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўрганиш усули асосида аниқланди;
- маъруза машғулотлари тасвирий-ахборот шаклдалиги ва ахборот материалларни ўрганишда талабаларнинг пассивлиги;
- амалий ва семинар машғулотлари талабаларнинг ижодий мустақиллигини шакллантиришга қаратилмаганлиги;
- диагностик воситалар ўзлаштирилган билим ва кўникмаларга эга бўлган билим даражасини белгилашга қаратилган бўлиб, касбий жиҳатдан аҳамиятли шахсий фазилатларга эътибор қаратилмаётганлиги;
- мустақил таълим вазифалари репродуктив (ижодий бўлмаган, муаммоли бўлмаган) табиатга эга эканлиги каби ҳолатлар аниқланди.

Олиб борилган илмий изланиш ва кузатишларимиз шуни кўрсатдики, олий таълим тизимида фаолият олиб борувчи педагоглар касбий компетенциясини такомиллаштиришда биринчидан касбий компетенцияларини шакллантирувчи методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Булар:

– касбий-педагогик таъсирнинг ички ва ташқи жиҳатига;

– касбий-педагогик камчиликларни аниқлашга;

– касбий таълимнинг муваффақиятли натижаларини тасдиқлашга;

– касбий жараённинг кейинги босқичларини режалаштиришга;

– касбий таълимдаги натижаларни муваффақиятларни рағбатлантириш орқали мотивация пайдо қилишга ва кейинги мураккаб қадамларни йўналтиришга;

– касбий-педагогик жараён шарт-шароитларни яхшилашга эришиш, бунинг учун "олий таълим муассасаси – педагог жамоалари" каби мураккаб тизимнинг фаолиятини самарадорлигини таъминлаш каби касбий-дидактик тамойиллар асосида кечишини эътиборга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хулосалар.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги **хулосаларни** илгари суриш имконини берди:

1) Мамлакатимизда олий таълим муассасалари сонининг динамик кўрсаткич даражаси билан унда фаолият олиб борувчи педагогларнинг касбий компетенциясини такомил-

лаштириб борилиши механизмлари ўртасида пропорционаллигини таъминлашга эришиш лозим;

2) Олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагоглар касбий компетенциялари қанчалик такомиллаштириб борилса, олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг жаҳон меҳнат бозори талабларига мос равишда рақобатбардошлигини таъминлашга эришилади.

3) ОТМ фаолият юритаётган педагоглар учун қанчалик кўп рағбатлар тизими жорий этилса ва етарлича шарт-шароитлар яратилса, уларнинг касбий компетенциясининг такомилашуви шунчалик позитив кечади;

4) ОТМ миқёсида "устоз-шогирд" анъаналарини жорий этиш орқали ёш педагогларнинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлиги таъминланади.

Тадқиқотимиз сўнгида қуйидаги **таклиф** ва **тавсияларини** илгари сурамиз:

1. Олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагогларнинг ўқув юкламаларида кўрсатилган соатлар миқдорини камайтириш лозим. Негаки, бугунги кунда амал қилиб келаётган ўқув режага мувофиқ, педагогнинг асосий вақти ўқув юкламасида (масалан, ўқитувчи лавозими учун йиллик ўқув юкламаси 1000-1200 соат, профессор лавозимида учун 600-700 соат этиб белгиланган) кўрсатилган аудитория соатларини бажаришга эътибор қаратиб, натижада дарсга тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказишга тўсиқ бўлиши билан бирга ўз устида ишлашга ва илмий ижод қилишга халақит бериб, вақт танқислигини келтириб чиқармоқда.

2. Ижтимоий-гуманитар фанлардан амалий ва семинар машғулотларини олиб бориш учун махсус жиҳозланган аудиториялар ташкил этиш лозим. Чунки бундай аудиторияларда дарс олиб бориш бир томондан педагог учун қулайлик яратса, бошқа томондан талаба учун ушбу фанни ўзлаштиришда мотивация бериб, дарснинг кўргазмалигини ва амалийлигини таъминлаш учун хизмат қилади;

3. Халқаро тажрибалардан (АҚШ, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея ва б.) келиб чиққан ҳолда умумбашарий фанлар сифатида (сиёсатшунослик, социология, психология) ўқитилиб келинаётган фанларни мамлакатимиз ОТМларида ўқитишни йўлга қўйишни тавсия этамиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. - https://lex.uz/docs/4545884

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. -https://lex.uz/docs/5841063

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир" мавзусидаги нутқи. 2020 йил 30 сентябрь. www.xs.uz

5. Gewerkschaft Erziehung und Wissenschaft Baden-Württemberg. http://www/gew-bw.de/Lehrerbildung.html.Section9551

6. Niedermair G. (2011). Kompetenzen entwickeln, messen und bewerten / Gerhard Niedermair [Hrsg.]. – Linz: Trauner. – 602 p.

7. Terhart E. Erfassung und Beurteilung der beruflichen Kompetenz von Lehrkäften. In: Laeders, Manfred; Wissinger, Jochen, Hg. Kompetenzentwicklung und Programmevaluation. Forschung zur Lehrerbildung. – Muenster, New York, München, 2007. – 356 p.

8. Калекеева Т.Т. Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш. / Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2019. – 14 б.

9. Мамадалиева Н. Таълим жараёни сифатини бошқаришнинг социал муаммолари. Ахборотлашган жамиятда замонавий социологиянинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2019. - Б. 35-38.

10. Олий таълим муассасалари сони 165 тага етди. https://yuz.uz/news/oliy-talim-muassasalari-soni-165-taga-etdi

11. Олий таълим: юксалиш йўлидаги муҳим қадамлар. https://yuz.uz/news/oliy-talim-yuksalish-yolidagi-muhim-qadamlar

12. Самаров Р.С. Баркамоллик тизимида касбий лаёқатлилик // Таълим муаммолари журнали. 2013, 6-сон. – Б. 10-14.

13. Сулейманова Н.К. Видеоконтент орқали бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш. / Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дис. автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 13.

14. Ҳаитов А. Таълим сифати ривожланса, ҳар бир соҳада ўзгариш ва ривожланиш бўлади. https:// parliament. gov.uz/uz/events/opinion/34938/